

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

28-сон
(892)
2019 йил
15 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

500. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 июлдаги ўРҚ–548-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

501. «Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПФ–5761-сон Фармони

502. «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ–5763-сон Фармони

503. «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сон Фармони
504. «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон қарори [Кўчирма]
505. «Аҳоли ва иктисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон қарори
506. «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон қарори
507. ««O'zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4390-сон қарори
508. «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарори

Бешинчи бўлим

509. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 19 июндаги 111-сон «Криптобиржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-2*)
510. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 1 июлдаги 118-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128-1*)
511. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги,

Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 26 июндаги 2019-39, 20-сон «Қимматли қозғалар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033-3*)

512. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 1 июлдаги 81-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-5*)

513. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 28 июндаги 116-1, 04-25/01-17-сон «Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2755-2*)

514. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги 2019-45-сон «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 6 июлдан 12 июлгача бўлган маълумот

Ҳакамлик судлари тўғрисида маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

500 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 19 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 9 июлда эълон қилинган.

1) **66¹-модданинг биринчи қисми** «141¹-моддасининг биринчи қисмида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш)» деган сўзлардан кейин «141²-моддасининг биринчи қисмида (шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **141²-модда** билан тўлдирилсин:

«141²-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

в) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этилган бўлса;

г) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса;

д) оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2,

244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **38-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноят ишлари бўйича суриштирув:

1) ички ишлар органларининг;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;

3) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;

4) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;

5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг суриштирувчилари томонидан амалга оширилади»;

2) **39¹-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **13-банд** билан тўлдирилсин:

«13) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича»;

3) **345-модданинг олтинчи қисмидаги** «259¹» рақами чиқариб ташлансин;

4) **381²-модданинг биринчи қисми:**

1-бандидаги «250¹-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — Жиноят кодексининг 250¹-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари) ва 259¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда;

1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **46²-модда** билан тўлдирилсин:

«46²-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, —

фукароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «46¹» рақамидан кейин «46²» рақами билан тўлдирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **248¹-модда** билан тўлдирилсин:

«248¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари

Ушбу Кодекснинг 185¹-моддасида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ташқари) ва 210¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ушбу Қонуннинг 1-моддаси, 3-моддасининг 1 ва 2-бандлари 2019 йил 1 октябрдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июль,
ЎРҚ-548-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

501 Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлатнинг иштирокини қисқартириш, ёқилғи-энергетика комплексига ва иқтисодиётнинг бошқа асосий тармоқларига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш бўйича институционал ва таркибий ислохотлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика соҳаси бошқарув тизимини ислох қилиш ва тариф сиёсатини такомиллаштириш соҳа корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш бўйича шошилиш чоралар кўрилишини тақозо этмоқда.

Электр энергияси, табиий газ ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорликни қисқартириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ушбу соҳада молиявий интизомни янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб:

газ таъминоти ташкилотлари томонидан табиий газни сотишдан тушадиган маблағлардан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) ажратмалар, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегириб ташлаган ҳолда, 5 фоиз миқдорда амалга оширилади;

«Худудий электр тармоқлари» АЖ корхоналари томонидан электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағлардан Жамғармага ажратмалар, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда, 5 фоиз миқдорда амалга оширилади, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

табиий газ ва электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тижорат банклари томонидан автоматик тартибда, ушбу Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

2. Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига (АСКУЭ) уланган истеъмолчилар сонини 1-иловадаги** жадвалга мувофиқ 2019 йилнинг охиригача камида 2,5 миллионга етказиш ҳамда 2020 йилнинг охиригача умумий абонентлар сонининг 100 фоизини АСКУЭ билан қамраб олишни таъминлаш учун 2019 йилда Жамғармадан қўшимча равишда 100 миллиард сўм маблағ ажратилсин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 июлда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Молия вазирлиги ва Бош прокуратура 2020 йилги Давлат бюджети параметрлари ва 2020-2021 йилларга бюджет мўлжалларини шакллантиришда 2020 йил 1 январдан бошлаб прокуратура органлари ходимлари бир қисмининг таъминоти харажатларини, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг амалдаги миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, Жамғармадан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш доирасида Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган йилдан йилга ўтувчи ва янги бошланаётган инвестиция лойиҳаларини бюджет тизимининг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш масаласини кўриб чиқсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2020 йилнинг 1 январига қадар:

иссиқлик таъминоти ташкилотларининг энергия ресурслари етказиб берувчилари ва коммунал корхоналари олдидаги 2019 йил 1 апрель ҳолатига мавжуд бўлган кредитор қарздорлигининг қолган қисми иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан истеъмолчиларнинг ялпи инвентаризациясини ўтказиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўлиқ ҳажмда пул маблағлари тушумини қатъий назорат қилиш, шунингдек, қарздорликни қисқартириш учун қўшимча резервларни излаб топиш ва уларни молиявий соғломлаштириш бўйича амалий чораларни кўриш орқали копланишини;

иссиқлик таъминоти ташкилотларининг энергия ресурслари етказиб берувчилар ва коммунал корхоналари олдида кредитор қарздорлигининг қолган қисми, уларнинг ўз маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Молия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 июль,
ПФ-5761-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 9 июлдаги
ПФ–5761-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ–5059-сон Фармонининг 6-бандида:

а) бешинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«республика истеъмолчиларига энергия ресурсларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 5 фоизи;

республика истеъмолчиларига сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг 10 фоизи»;

б) олтинчи — ўн олтинчи хатбошилари тегишинча еттинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги ПҚ–3060-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандида:

а) иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни сотишдан тушадиган маблағларнинг 5 фоизи;

республика истеъмолчиларига сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг 10 фоизи»;

Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан ажратиладиган мақсадли маблағларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари томонидан электр энергия истеъмоли учун тўловларга ҳамда «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Навой КМК» ДК ва «Олмалик КМК» АЖ корхоналаридан тушадиган маблағларга татбиқ этилмайди»;

б) учинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3981-сон қарорида:

а) 4-банднинг биринчи хатбошида:

«2019 — 2021 йиллар давомида Мажбурий ижро бюросини ривожлан-

тириш жамғармасидан ҳар йили» сўзлари «2019 йилда Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«400» сони «500» сони билан алмаштирилсин;

б) 1-иловасида:

17-бандда:

«2019 — 2021 йиллар давомида ҳар йили» сўзлари «2019 йилда» сўзлари билан алмаштирилсин;

«400» ва «1 200» сонлари «500» сони билан алмаштирилсин;

изоҳда «1 200,0» ва «1 200» сонлари тегишинча «500,0 ва «500» сонлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

502 Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда олий ва ўрта махсус таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида иқтисодийнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда янги, шу жумладан етакчи хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди, замонавий ўқув босқичлари жорий этилиб, талаб юқори бўлган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар Ватанимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, юрт равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшувчи малакали кадрлар тайёрлашни устувор вазифалардан бири этиб белгиламоқда.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш, тизимдаги муассасаларнинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 июлда эълон қилинган.

1. Қуйидагилар олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида замонавий ва мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, билимли ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

олий таълим муассасаларида касбий фаолият йўналишида замонавий билим ва малакага эга, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда чет тилларини ўзлаштирган кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш;

барча олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ўқув-педагогик ва илмий-услубий, шунингдек уларда мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасини давлат таълим стандартлари ҳамда малака талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

замонавий педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларидан кенг фойдаланиш асосида ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда ўқитишнинг илғор шакллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни, мустақиллик ғояларига садоқат, миллий кадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини бундай мутахассислар билан таъминлаш, тизимли рағбатлантириш ишларини олиб бориш;

раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш, такомиллаштириб бориш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини ошириш учун шароитлар яратиш, жумладан хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш, ўқув жараёнларига хорижлик олимлар, ўқитувчилар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, илмий адабиётлар электрон каталоги ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибалар асосида таълим тизимини такомиллаштириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ҳамкорликдаги қўшма олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурларини амалга ошириш, таълим соҳасида эришилган ютуқларни халқаро миқёсда кенг ёритиш;

иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифларидан ҳамда хорижий таж-

рибадан келиб чиқиб, шунингдек иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежларида меҳнат бозорида талаб этиладиган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда — Марказ) тугатилсин ҳамда Марказнинг бўшаётган штат бирликлари ушбу вазирликка ўтказилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Марказнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг идоравий бўйсунувига ўтказилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Метрологик назорат хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари ва улар тизимидаги касб-хунар таълим муассасалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими бўйича ягона давлат сиёсатини, шунингдек олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида бўйсунувига кўра вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўқув-тарбия жараёнига ташкилий ва методик раҳбарликни амалга ошириш юзасидан ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

5. Вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 1 августдан бошлаб қуйидагиларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра вазирлик бошқарув ходимлари лавозим маошларини аниқлашда тариф коэффициентларини бир ярим баравар миқдорида қўллаш ҳамда бу билан боғлиқ қўшимча харажатларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Вазирлик марказий аппаратининг:

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик иш ҳақиға — 30 фоиз;

фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик иш ҳақиға — 35 фоиз устамалар белгилаш;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари ойлик лавозим маошига олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида хизмат қилган умумий иш стажи учун 3 йилдан 5 йилгача — 10 фоиз, 5 йилдан 10 йилгача — 20 фоиз, 10 йилдан 20 йилгача — 30 фоиз, 20 йилдан ортиқ — 40 фоиз ойлик устамалар тўлаш;

6. Республика олий ва касб-хунар таълими муассасаларида ўқиш учун хорижий фуқароларни кенг жалб қилиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари ректорлари (филиаллар директорлари), касб-хунар таълими муассасалари директорларига бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда:

хорижий фуқароларни ўқитиш учун олий ва касб-хунар таълими муассасаларида алоҳида бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, касблар ва мутахассисликлар очиш, уларни ўқитиш тили ҳамда академик гуруҳ шакллантириш учун зарур талабалар (ўқувчилар) сонини белгилаш;

касб-хунар таълими муассасаларида касблар ва мутахассисликлар бўйича таълим олиш истагида бўлган хорижий фуқароларни ўқитиш муддати, давомийлиги ва уларни тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш ҳуқуқи берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Вазирлик билан биргаликда икки ой муддатда тугатилаётган Марказ ходимларини иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

9. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 июль,
ПФ-5763-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**503 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар
миқдорини ошириш тўғрисида***

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини қатъий ошириб бориш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 барабар оширилсин.

2. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 223 000 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 436 150 сўм;

болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига 436 150 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 267 650 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилансинки, 2019 йил 1 августдан бошлаб:

II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизига оширилади;

II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар — пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилади;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фоизлар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

4. 2019 йилнинг 1 августидан I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болалиқдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдоридан кўшимча тўлов жорий қилинсин.

5. Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда бюджет муассасалари ва ташкилотларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларининг мазкур

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 июлда эълон қилинган.

Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақиға мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–5723-сон Фармонига мувофиқ 2019 йилнинг 1 сентябридан энг кам иш ҳақи миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, базавий ҳисоблаш миқдори ва пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори киритилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–5723-сон Фармони 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги «577 170» рақами «634 880» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «202 730» рақами «223 000» рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «202 730» рақами «223 000» рақами билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ–5553-сон Фармони унинг 4 ва 8-бандлари истисно қилинган ҳолда 2019 йилнинг 1 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 июль,
ПФ–5765-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

504 Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

[Кўчирма]

Муҳаммад ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ аждодларимиз тамал тошини қўйган математика фани илм-фан ва техниканинг замонавий тармоқлари жадал ривожланиши муносабати билан ҳозирги кунда янада катта аҳамият касб этмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт, биология, рақамли иқтисодиёт соҳасида ва бошқа кўплаб соҳаларда унинг роли айниқса ортди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти (кейинги ўринларда — Институт) ўз фаолияти даврида математика фанини ривожлантиришга, республика учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга сезиларли ҳисса қўшди ва математик тадқиқотларнинг жаҳон даражасида эътироф этилган марказларидан бирига айланди.

Институтда функционал анализ, дифференциал тенгламалар, эхтимоллар назарияси ва алгебра бўйича илмий мактаблар шаклланди ва муваффақиятли ривожланмоқда. Ходимларнинг илмий тадқиқотлари беш марта Ўзбекистон Давлат мукофотиغا сазовор бўлди, 12 нафар таниқли олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига ва нуфузли Бутунжаҳон фанлар академияси (TWAS)га сайланган.

Бонн, Кембриж, Париж, Сеул, Сантьяго де Компастела университетлари ва бошқа илмий марказларнинг олимлари билан биргаликда қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Институтда давлат университетлари, мактаблар ва академик лицейларда маърузалар ўқиш ва махсус курслар ўтиш, шунингдек, магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш амалиёти кенг жорий этилган. Бугунги кунда илмий ходимларнинг ўртача ёши 47 ёшни, илмий даражали илмий ходимлар улуши эса 87,0 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, ҳар томонлама таҳлиллар бир қанча тизимли вазифаларни аниқлади. Уларнинг амалга оширилиши Институтнинг илмий лойиҳаларни хатловдан ўтказиш, мавжуд илмий салоҳиятдан юқори даражада фойдаланиш ва уни ривожлантиришга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришни, тадқиқотларни жорий этиш самарадорлигининг амалий индикаторлари ва мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилишини Ўзбекистон Фанлар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 июлда эълон қилинган.

академияси томонидан янада аниқ мувофиқлаштиришни, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини талаб этади.

Математика таълими ва фанларини янада ривожлантириш, фундаментал, қидирув ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий таълимдан кейинги таълим институтларининг фаолияти ва илмий кадрлар тайёрлаш самарадорлигини таъминлаш, илм-фан, иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини мустаҳкамлаш, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари билан халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Институт жамоасининг математика фанини ривожлантиришга, илм-фан ва таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлашга, юқори малакали кадрлар тайёрлашга ва Ватанимиз математика мактабларининг ютуқларини тарғиб қилишга йўналтирилган фаолияти қўллаб-қувватлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика фанини ривожлантириш ва Институт фаолиятини такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор вазибаларни амалга оширишни назарда тутувчи мақсадли дастурини (кейинги ўринларда — Мақсадли дастур) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

илм-фаннинг турдош соҳаларида ва иқтисодиёт тармоқларида илмий натижалардан фойдаланиш, шунингдек, Институтнинг муайян илмий йўналишларини фундаментал изланишлардан амалий изланишларга қайта йўналтириш дастурларини ишлаб чиқиш;

2020 — 2022 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун математика бўйича олий малакали кадрлар тайёрлаш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш;

илмий натижалар кенг муҳокама қилинишини ва замонавий илм-фан ютуқлари оммалаштирилишини ташкил этиш. Институт ишланмаларининг доимий равишда янгиланадиган электрон маълумотлар базасини яратиш;

илмий-тадқиқот фаолиятининг таълим жараёни билан алоқаларини мустаҳкамлаш. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари ва Институт ходимларининг тажриба start-up лойиҳалари амалга оширилишига қўмаклашиш;

Математика соҳасида жаҳон илмий марказлари, шу жумладан МДХ, Европа, Америка ва Осиё мамлакатларининг етакчи университетлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар ташкил этиш;

ноширлик фаолиятини яхшилаш ва материаллар эълон қилишда фаолликни ошириш. Инглиз тилидаги «Ўзбекистон математика журнали» илмий нашри фаолиятини такомиллаштириш;

молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, харажатларни мақбуллаштириш ва Институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Инфратузилмани модернизация қилиш. Ходимлар учун иш шароитларини яхшилаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш. Ҳар йилги «Илм-фан етакчиси» республика танловини ўтказиш.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Мақсадли дастур тўлиқ бажарилишини таъминлаш, Институт фаолияти самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган омилларни бар-тараф этиш юзасидан мувофиқлаштирилган ва олдини олувчи чора-тадбирлар кўрилиши учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашевга ва вице-президентларга шахсий масъулият юклансин.

3. 2020 — 2024 йилларда Институтнинг илмий-тадқиқот ишлари дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Институтнинг илмий йўналишларига мувофиқ ҳар йили Институт илмий-тадқиқот ишлари календарь дастурлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ва Институт дарсликлар, ўқув ва кўргазмалар қўлланмалар, шу жумладан электрон дарсликлар, ўқув ва кўргазмалар қўлланмаларни Институтнинг эксперт хулосасидан кейин эълон қилиш, таълим муассасаларида математика фанларини ўқитиш, математика олимпиадаларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини бошқариш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида бир ой муддатда:

Мақсадли индикаторлар асосида Фанлар академияси тизимига кирадиган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий бўлинмалари ва ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тартибини белгилаш бўйича асосланган таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Институтнинг 2021 йилгача мақсадли кўрсаткичларини (индикаторларини) (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага* мувофиқ тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, 2020 йилдан бошлаб илмий лабораториялар ва илмий ходимларнинг фаолияти рейтинг тизими асосида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Раёсатининг қарори бўйича ташкил этиладиган махсус комиссия томонидан баҳоланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Эл-юрт умиди» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Институт илмий ходимларининг 4-иловага* мувофиқ етакчи хорижий илмий марказларда малака оширишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривож-

* 2 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ланиш вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари Институт илмий ходимларининг малака оширишини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган олий таълимдан кейинги таълимда стажёр-тадқиқотчилар институтини (кейинги ўринларда — стажёр-тадқиқотчилар институти) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Институтга олий таълимдан кейинги таълим институтида ўқиш учун ажратиладиган қабул квотасининг ярмидан кам бўлмаган миқдордаги қабул квотаси стажёр-тадқиқотчилар институти учун ажратилишини таъминласин.

9. Институт тузилмасига:

Ўтказиладиган илмий тадқиқотлар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, илмий кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот фаолиятини таълим жараёни билан интеграциялаштиришни таъминлаш учун масъул бўлган Институт илмий раҳбари — директорнинг илм-фан бўйича ўринбосари лавозими;

алгебра ва унинг татбиқлари, дифференциал тенгламалар ва унинг татбиқлари, чизиксиз тизимлар, динамик тизимлар ва уларнинг татбиқларини математик моделлаштириш, стохастик таҳлил, тиббий-биологик информатика, ҳисоблаш математикаси йўналишлари бўйича илмий лабораториялар киритилсин.

Институт тузилмасида юридик шахс ташкил этмасдан Ёш математиклар ўқув маркази ташкил этилсин, унга қуйидаги вазифаларни амалга ошириш юклансин:

умумтаълим мактаблари ва лицейларнинг ўқувчилари, олий таълим муассасаларининг талабалари ва докторантлар учун математика бўйича ўқув курслари ташкил этиш;

Ўзбекистон терма жамоасини халқаро математика олимпиадаларига тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш жараёнларига ўқитишнинг замонавий усулларини ва педагогик инновацияларни жорий этиш;

етакчи олимлар ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижий олимлар ва мутахассисларни таълим жараёнига жалб қилиш.

10. Институтнинг янгиланган тузилмаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Илмий кенгаш ва Ёш олимлар кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти билан келишган ҳолда тасдиқланиши маълумот учун қабул қилинсин.

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

12. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
халқаро молия институтлари ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари доирасида тушадиган маблағлар;
хўжалик фаолиятдан тушадиган маблағлар;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Институтга фундаментал тадқиқотларнинг илмий-техник лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ушбу қарор топшириқларидан келиб чиққан ҳолда талаб этиладиган қўшимча бюджет маблағларининг бир қисmini қоплашга йўналтирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ–3365-сон қарорига мувофиқ 2020 йилда Институт биносини (кейинги ўринларда — объект) капитал таъмирлаш, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки ой муддатда: объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрласин ва уларнинг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Нодир қўлёзмалар марказининг бино ва иншоотлари бўшатилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосланган буюртманомалари асосида 2020 йилги Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда объектни капитал таъмирлаш учун тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ капитал қўйилмаларнинг тегишли лимитларини назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги объектда капитал таъмирлаш ва қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг сифати устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

бир ой муддатда — белгиланган тартибда Институт уставини тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Институтнинг замонавий компьютер ускуналари ва бошқа ташкилий техника билан, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академия-

сининг илмий-тадқиқот муассасалари объектларини сотишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига тўлдирилишини таъминласин;

икки ой муддатда — манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бир-галикда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. 2019 йил 24 майда илмий жамоатчилик ва олий таълим муассасалари ректорлари билан ўтказилган учрашувда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ташкил этилсин ва унга қуйидаги вазифалар юклансин:

фан ва технологиялар соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш, шу жумладан фан ва таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни мувофиқлаштириш, фан ва технологиялар соҳасини жадал ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилиши натижадорлигини таъминлаш;

илмий-техник сиёсат стратегияси, илмий-инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантириш ва тасдиқлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

илмий-техник лойиҳаларнинг давлат мақсадли дастурларини тасдиқлаш ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

хар йилги илмий-тадқиқот ишлари дастурларини, шунингдек, илмий-тадқиқот фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан тўғридан-тўғри молиялаштириш ҳисобига амалга ошириладиган илмий-тадқиқот муассасаларининг мақсадли индикаторларини тасдиқлаш;

фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича миллий лабораториялар тизимини шакллантириш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан тўлдириш ва бутловчи ҳамда сарфлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

фан ва технологиялар соҳасида мамлакат илм-фанини жаҳон ютуқлари билан уйғунлаштириш, илмий салоҳият ва инновацион ривожланишни рейтинг баҳолашда мамлакат имижини, шу жумладан илмий ишланмаларни фаол тижоратлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш орқали ошириш;

илмий-тадқиқот, таълим ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари, шунингдек, саноат корхоналари ва тижорат тузилмалари томонидан фойдаланиш мақсадида энг янги илмий-техник ишланмалар тўғрисидаги илғор хорижий тажрибани излаш, умумлаштириш, таҳлил қилишнинг давлат ахборот-таҳлил тизимини яратиш, Ўзбекистонни ривожлантириш учун илмий-техник салоҳиятнинг замонавий ахборот-ресурс базасини шакллантириш;

муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ҳамда фан ва инновацион ривожланиш соҳасини ислоҳ қилиш давомида юзага келадиган долзарб масалалар ҳамда муаммоларни муҳокама қилиш, шу жумладан оммавий муҳокама қилиш;

фан ва техника соҳасида Давлат мукофотини бериш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ҳамда таклифлар тайёрлаш.

20. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашининг шахсий таркибини ва Кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон қарори билан ташкил этилган Илмий-техник ахборот марказини юқори малакали кадрлар билан бутлаш ва унинг фаолиятини фаоллаштириш юзасидан таклифларни киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига юклансин.

Қарорнинг ижроси Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши мажлисларида 2019 йил сентябрь ва декабрь ойларида ҳамда 2020 йил апрель ойида кўриб чиқилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 июль,
ПҚ–4387-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**505 Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини комплекс ривожлантириш ҳамда энергия ресурсларига тобора ошиб бораётган эҳтиёжни таъминлашнинг муҳим омили бўлган энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, геология қидирув ишлари, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва нархларни шакллантириш ишларининг самарасизлиги республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурслари билан тўлиқ таъминланмаслигига, нефть-газ тармоғи корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келди.

Жумладан, сўнги 20 йилда табиий газ қазиб олиш ҳажми 8 фоизга ошгани ҳолда мамлакат корхоналари томонидан уни қазиб олиш ҳажми 29 фоизга пасайди, 2008 — 2018 йилда тасдиқланган табиий газ захиралари 4 фоизга қисқарди, ўтган 5 йил давомида табиий газнинг табиий захиралари ўрнини тўлдириш бўйича ўртача кўрсаткич 70 фоизга яқин ҳажми ташкил этди.

2017-2018 йилларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги ва моддий-техник ресурсларнинг тақчиллиги натижасида табиий газ қазиб олишнинг ўсиши прогноз кўрсаткичларига нисбатан 42 фоизни ташкил этган ҳолос.

Тартибга солиш функциялари ва тижорат фаолиятини ўзида бирлаштирган бошқарувнинг эскирган ва шаффоф бўлмаган тизими нефть-газ тармоғи корхоналарида замонавий менежментни жорий этишга, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, нефть-газ тармоғи корхоналарини молиявий соғломлаштиришни таъминлаш, қабул қилинган халқаро амалиёт асосида соғлом рақобатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, замонавий рақамли технологияларни ва илғор бошқарув усулларини жорий этиш мақсадида:

1. Халқаро консалтинг компаниялари ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика ишчи

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 июлда эълон қилинган.

комиссияси (кейинги ўринларда — Республика ишчи комиссияси) 1-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Республика ишчи комиссияси (А.Н. Арипов) бир ой муддатда:

а) амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл хариталари»ни тасдиқласин ва бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

углеводород хом ашёсини қазиб олиш ҳажмларини кўпайтириш;

газ-транспорт тизимини модернизация қилиш;

табiiй газни қазиб олиш, қайта ишлаш, етказиб бериш ва сотишни ҳисоб-китоб ва назорат қилиш ишларини такомиллаштириш;

инвестициявий лойиҳаларни танқидий ўрганиш ва мақбуллаштириш, шунингдек, уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш;

нефть-газ тармоғи корхоналарида молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва нарх шаклланишини такомиллаштириш;

б) Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг ҳар бир йўналиши бўйича ишчи комиссиялар таркибини тасдиқласин;

в) ташкил қилинаётган ишчи комиссиялари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш учун халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматлар молия ташкилотлари (кейинги ўринларда — ХМИ/ХХМТ) ва консалтинг компанияларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

г) Энергетика вазирлигида бошқарув ходимлари сони 20 штат бирликдан ошмаган, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, ХМИ/ХХМТ техник кўмаклашиш маблағлари (грантлари) ҳисобидан молиялаштириладиган нефть-газ тармоғини ислох қилишни мувофиқлаштириш бўйича лойиҳа офиси ташкил қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши курашиш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлигининг Осиё тараққиёт банкининг техник кўмагида тайёрланган ва қуйидагиларни назарда тутувчи «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва самарали ташкилий тузилмасини шакллантириш бўйича таклифларига розилик берилсин:

«Ўзбекнефтгаз» АЖга «Ўзбургнефтгаз» АЖ, «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ, «Ўзнефтмахсулот» АЖ, «Ўзнефтгазмаш» АЖларни қўшиш, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ижро этувчи аппарати таркибида тугатилаётган бўғинларнинг вазифалари ва функцияларини бажарувчи тегишли бўлинмаларни ташкил этиш орқали тизим бошқарувида ортиқча бўғинларни қисқартириш;

«Ўзтрансгаз» АЖни «Ўзбекнефтгаз» АЖ таркибидан чиқариш ва «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг «Ўзтрансгаз» АЖ устав капиталидаги улушини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) бериш;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ўзтрансгаз» АЖнинг газ таъминоти бўйича ҳудудий филиаллари негизда «Худудгазтаъминот» АЖни ташкил қилиш ва Агентликни унинг акциядори этиб белгилаш.

4. Қуйидагиларга:

а) «Ўзтрансгаз» АЖга:

табiiй газни кейинчалик ягона оператор сифатида етказиб бериш, жумладан экспорт ва импорт қилиш учун газ қазиб олувчи ва қайта ишловчи ташкилотлар, шу жумладан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар асосида фаолият юритувчи қўшма корхоналар ва хорижий компаниялардан харид қилиш;

тўғридан-тўғри шартномалар асосида магистрал газ қувурига уланган истеъмолчиларга, шунингдек, «Худудгазтаъминот» АЖ билан комиссия шартномалари асосида газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчиларга табiiй газни сотиш;

б) «Худудгазтаъминот» АЖга:

газ тақсимлаш тармоқларини ва тегишли ускуналарни хавфсиз эксплуатация қоидаларининг норматив талабларига риоя қилган ҳолда эксплуатация қилиш;

суюлтирилган газни харид қилиш, етказиб бериш, сақлаш ҳамда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига сотиш функциялари юклансин.

5. Ишлаб чиқариш бўлинмалари устидан тўғридан-тўғри бошқарув ўрнатиш мақсадида нефть-газ қазиб чиқариш ва газни қайта ишлаш ташкилотлари юридик шахс ташкил этмасдан, 2-иловага* мувофиқ «Ўзбекнефтьгаз» АЖнинг таркибий бўлинма (бошқарма, завод)лари этиб қайта ташкил қилинсин.

6. Айрим ташкилотлар «Ўзбекнефтьгаз» АЖга ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларга қўшиш йўли билан 3-иловага* мувофиқ қайта ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Агентлик, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

«Ўзнефтьмаҳсулот» АЖ тасарруфидаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи 1 381 та автомобилга ёқилғи қуйиш шохобчаларини тадбиркорлик субъектларига аукцион савдолари орқали сотиш ҳамда олис, етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашнинг муқобил тизимини жорий қилиш;

газ таъминоти бўйича вилоят, туманлараро (шаҳар) филиалларига ёки уларнинг участкаларига бириктирилган газ таъминоти объектларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида газ тақсимлаш тармоқлари ва тегишли ускуналарни эксплуатация қилиш ва истеъмолчиларга табiiй газни сотиш функцияларини бажариш учун хусусий операторлар бошқарувида босқичма-босқич бериш;

«Ўзбекнефтьгаз» АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган, шу жумладан аввал қабул қилин-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган ҳукумат қарорларига мувофиқ сотиш кўзда тутилган активларини, сотувга қўйилган пайдан бошлаб бир ой давомида талабгорлар бўлмаган тақдирда бошланғич нархни қадам-бақадан пасайтириш йўли билан сотиш;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ таркибига кирувчи ташкилотларнинг бозорлар, савдо ва чорвачилик комплекслари устав капиталидаги улушларини 4-иловага* мувофиқ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига бериш;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг сервис ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар устав капиталидаги улушларини 5-иловага* мувофиқ Агентликка бериш;

табiiй газни ва суюқ углеводородларни қазиш, қайта ишлаш, ташиш, узатиш ва сотишнинг барча босқичларида ресурслар ҳисобини юритиш бўйича электрон ускуналарни қўллаш орқали уларнинг алоҳида ҳисоби юритилишини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига углеводород хом ашёси янги конларини аниқлаш, захираларни кўпайтиришни таъминлаш мақсадида республика углеводород хом ашёси захираларини жадал ривожлантириш ва қайта тиклаш, геология қидирув ишларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш бўйича функцияларни бериш.

8. Ҳозирги босқичдаги энг муҳим вазифа сифатида қуйидагилар белгилансин:

а) «Ўзбекнефтгаз» АЖ учун — 2024 йилга келиб углеводород хом ашёси, шу жумладан табiiй газ қазиб олиш ҳажмини 42,3 миллиард метр кубга ва суюлтирилган газни 1,5 миллион тоннага етказиш, шу билан иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни, шунингдек, компаниянинг даромади ортишини, шу жумладан қуйидагилар ҳисобидан таъминлаш:

инвестиция киритишнинг хорижий амалиётда кенг тарқалган шартлари ва механизмлари асосида қазиб олиниши қийин бўлган конларда углеводород хом ашёсини қазиб олишга дунёнинг йирик нефть-газ компанияларини жалб қилиш;

мустақил хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда нефть-газ тармоғи корхоналарининг операцион самарадорлигини ошириш ва харажатларини мақбуллаштириш, шунингдек, уларнинг қарз юкмасини камайитириш;

ишлаб чиқилган конларда замонавий технологиялар асосида углеводород хом ашёси қазиб олишнинг унумдорлигини ошириш;

2020 — 2022 йилларда миллий нефть-газ ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари бўйича халқаро тендер савдоларида иштирок этиш учун камида 6 та хорижий нефтсервис ташкилотларини жалб қилиш;

хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан «Рақамли кон» концепциясини амалга ошириш асосида иш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш;

халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда нефть-газ тар-

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

моғидаги инвестиция лойиҳаларини танқидий ўрганиш ва маҳаллий нефть-газ қазиб олувчи корхоналарнинг реал молиявий имкониятларига қараб мақбуллаштириш;

б) «Ўзтрансгаз» АЖ учун — шу жумладан қуйидагилар ҳисобига газ транспорт тизимининг «заиф» жиҳатларини бартараф этиш ва унинг транзит салоҳиятини ривожлантириш:

газ қувурлари ва компрессор станцияларини, шу жумладан ХМИ/ХХМТ маблағларини жалб этиш орқали қуриш, реконструкция қилиш; ер ости газни сақлаш станцияларида табиий газни сақлаш ҳажмларини ошириш;

юқори босимли газ тақсимлаш пунктларида табиий газ оқимларининг мониторинги ва бошқаруви тизимини (SCADA) ҳамда автоматлаштирилган назорат тизимларини жорий этиш;

в) «Худудгазтаъминот» АЖ учун — табиий газни истеъмолчиларга етказишда йўқотишларни шу жумладан қуйидагилар ҳисобига камайтириш: фаолият кўрсатаётган газ тақсимлаш пунктлари ҳамда тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш;

2022 йилга қадар Табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини барча турдаги истеъмолчилар учун тўлиқ жорий этиш;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида газ тақсимлаш тармоқлари ва тегишли ускуналарни эксплуатация қилиш, шунингдек, истеъмолчиларга табиий газни сотиш функцияларини бажариш учун газ таъминоти объектларини хусусий операторлар бошқарувида босқичма-босқич бериш.

9. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

акциядорлик жамиятларининг вазифалари ва функцияларини батафсил баён қилган ҳолда «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ устав капиталлари шакллантирилиши ва таъсис ҳужжатлари тасдиқланишини;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ ташкилий тузилмалари ва ижро этувчи аппарати тузилмалари тасдиқланишини, уларнинг бошқарув органи шакллантирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:

а) Агентлик билан биргаликда икки ой муддатда «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларни қайта ташкил қилиш бўйича ҳар бир тадбирнинг аниқ амалга ошириш муддати ва масъул шахслар кўрсатилган чора-тадбирлар режаларини тасдиқласин, бунда қайта ташкил қилинаётган «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ташкилотларининг активлари ва мажбуриятларини хатловдан ўтказиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий шаклларини жорий қилиш, ушбу акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни жалб қилиш назарда тутилсин;

б) Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан бир-

галикда 2019 йил 1 октябрга қадар ХМИ/ХХМТ ва халқаро консалтинг компанияларининг техник кўмагида «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖдаги раҳбарлик лавозимларига нефть-газ тармоғидаги йирик хорижий компанияларда ёки халқаро бошқарув компанияларида ишлаш тажрибасига эга бўлган менежерларни жалб қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

в) 2019 йил 1 сентябрга қадар Газ тақсимлаш тармоқлари ва тегишли ускуналарни эксплуатация қилиш, шунингдек, истеъмолчиларга табиий газни сотиш функцияларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бажариш учун газ таъминоти объектларини хусусий операторларга бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин, бунда, шу жумладан инвесторларни танлаш, шартномани тузиш ва бекор қилиш, шунингдек, воситачилик тўловлари миқдорини белгилаш ва тўлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг бошқарувга бериладиган ҳудудда табиий газ учун тўловларни йиғиш бўйича вазифаларини уларга бериш тартиби ва инвесторларга қўйиладиган бошқа талаблар кўзда тутилсин;

г) 2019 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга ошириладиган ва ишлаб чиқилаётган инвестиция лойиҳаларининг доимий мониторинги, фойдаланиладиган конлар ва қудуқлар супервайзингини амалга ошириш учун халқаро муҳандислик-малаҳат компанияларини жалб қилишни кўзда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига углеводород хом ашёсининг янги конларини аниқлаш, захираларни кўпайтириш мақсадида республика углеводород хом ашёси захираларини жадал ривожлантириш ва қайта тиклаш, геология қидирув ишларининг самарадорлиги ва унумдорлигини ошириш бўйича функцияларни бериш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича амалдаги лойиҳаларни, хатловдан ўтказиш натижалари бўйича истиқболли участкалар, инвестицион блоклар ва углеводород хом ашёси конларига доир мавжуд фонд ва бошқа материалларни бериш;

мавжуд геофизик ва бурғулаш ускуналари, чуқур илм талаб қиладиган технологиялар, дастурий маҳсулотлар ҳамда зарур махсус ва автотранспорт техникасини босқичма-босқич модернизация қилишни ҳисобга олиб, 2020 йилдан бошлаб углеводород хом ашёси бўйича олиб бориладиган геология-қидирув ишларини молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларини белгилаш.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат

вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда ҳамда ХМИ/ХХМТ ва халқаро консалтинг компанияларининг техник кўмагида 2019 йил 1 ноябрга қадар қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш ва сотиш бўйича асослантирилган эксплуатацион, операцион ва инвестициявий харажатлар тўлиқ қопланишини назарда тутган ҳолда, нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газ тарифларини белгилаш услубини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ:

а) 2019 йил якунидан бошлаб, молиявий ҳисоботлар мажбурий тартибда молиявий ҳисобот юритишнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилишини ва халқаро аудиторлик компанияларини жалб қилган ҳолда мустақил ташқи аудит ўтказилишини таъминласин;

б) 2020 йил якунидан бошлаб қуйидагиларни:

Ҳисоб ва ҳисобот бўйича халқаро стандартлар (ISAR)нинг тамойиллари ва талабларига мувофиқ ҳисобот эълон қилишнинг корпоратив стандартларини жорий этиш;

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS)ни қўллаш ҳамда ҳар чоракда фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича молиявий ҳисобот тузиш ва эълон қилиш;

Глобал ҳисобот ташаббуси (GRI)га мувофиқ, шу жумладан иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалалар бўйича ҳисобот чоп этиш;

халқаро рейтинг агентликлари, молиявий ва юридик консультантлар билан ҳамкорликда корпоратив кредит рейтингини олиш;

савдолар, активлар рентабеллиги, активлар ва мажбуриятларнинг айланиши даражаси ҳамда бошқа кўрсаткичлар бўйича халқаро амалиёт асо-сида белгиланадиган минимал талабларни амалиётга жорий этиш;

Углеводород ресурсларини бошқариш тизими (PRMS) талабларига мувофиқ углеводород ва унинг захираларининг ҳисобини олиб бориш, таснифлаш ва бошқариш халқаро тизимини жорий этиш;

халқаро стандартларга мувофиқ углеводород хом ашёси захираларининг аудитини ўтказишни таъминласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Агентлик билан биргаликда ХМИ/ХХМТ ва халқаро консалтинг компаниялари кўмагида 2024 йилдан кечиктирмасдан устав капиталларида давлат улушини 51 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб қолган ҳолда, маҳаллий ва халқаро фонд бозорларида акцияларни бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш орқали «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖга инвесторлар жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрсин.

13. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг мазкур қарорнинг 4 ва 5-иловаларида кўрсатилган улушини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва Агентликка бериш ҳамда «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг «Ўзтрансгаз» АЖ устав капиталларидаги улушини Агентликка бериш давлатнинг «Ўзбекнефтгаз» АЖ устав капиталларидаги улушини ва «Ўзбек-

нефтгаз» АЖнинг ўз таркибига кирувчи ташкилотлардаги улушини камайтириш ҳисобига баланс қийматида амалга оширилади;

Агентлик ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси ихтиёрида қоладиган маблағлардан ташқари, мазкур қарорнинг 5-илоvasида кўрсатилган активларни сотишдан тушадиган маблағлар «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг кредит ва мажбуриятларини қоплаш учун мақсадли сарфланган ҳолда, «Ўзбекнефтгаз» АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида йўналтирилади;

мазкур қарорга мувофиқ бир ташкилотдан бошқа ташкилотга, шу жумладан уларнинг қайта ташкил этилиши ва ёпилиши пайтида топширилаётган ва олинаётган мулклар, мулкӣ ҳуқуқлар, хусусан, акциялар ва устав капиталларидаги улушлар қиймати барча турдаги солиқлар бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ ва уларнинг ташкилотлари қимматли қоғозлар эмиссияси чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш йиғимларини ва топширилаётган автотранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишда автотранспорт йиғимларини тўлашдан озод этилади;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ тузилмасига кирувчи ташкилотларнинг қайта ташкил қилиниши натижасида уларга қарашли юридик шахсларнинг 50 фоиз ва ундан ортиқ акцияларига Агентлик ва «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг эга бўлиши янгидан сотиб олинган акциялар пакети ҳисобланмайди;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ «Ўзбурғунефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзнефтмахсулот» ва «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик жамиятларининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқӣ ворис ҳисобланади;

«Ўзтрансгаз» АЖнинг амалдаги шартномалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзида сақланиб қолади;

«Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ ўртасидаги тақсимлаш чегараларида газ ҳисоблаш асбобларининг кўрсаткичлари ва техник ҳолатини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ва «Ўзстандарт» агентлиги зиммасига юклатилади.

14. Агентлик 2020 йил 1 апрелга қадар мазкур қарорнинг 5-илоvasида кўрсатилган ташкилотларнинг устав капиталидаги улушларининг сотувга чиқарилишини таъминласин, бунда улар оммавий сотувга чиқарилган кундан бошлаб уч ой ичида сотилмаган тақдирда, айрим ҳолларда кузатув кенгашининг қарорига кўра тўловларни уч йилдан беш йилгача муддатда бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилсин.

15. 2020 йил 1 июлга қадар қуйидагилар:

республика ташқарисига «божхона худудидан ташқарида қайта ишлаш» божхона режими бўйича олиб чиқиб кетилган ускуналар (газ генераторлари, двигателлар, куч турбиналари ва бошқалар) уларни қайта олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги

«2017 — 2021 йилларда «Ўзбекнефтгаз» АЖ минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–3372-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг ташкилий тузилмасига кирувчи корхоналар томонидан амалга ошириладиган геологик қидирув ишлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

16. Қуйидагиларга:

газ таъминоти ташкилотларининг мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1-бандида кўзда тутилган юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ имтиёзлари;

2021 йилнинг 1 январига қадар муддатга «Ўзбекнефтгаз» АЖ таркибидан чиқариладиган ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3953-сон қарорига илованинг 9-банди татбиқ этилсин.

17. Қазиб олиниши қийин захираларга эга ишланаётган конларни танловлар ўтказиш орқали, тўғридан-тўғри инвестицияларни углеводород хом ашёсини қазиб олиш хажмларидан қайтариш шарти билан, тақсимланмайдиган таваккалчиликларга эга шартномалар асосида углеводород хом ашёси қазиб олиш бўйича юқори технологияли хизматлар кўрсатиш соҳасида тажрибага эга бўлган компаниялар бошқарувига топшириш амалиётга жорий этилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ҳафта муддатда тақсимланмайдиган таваккалчиликларга эга шартномалар тузиш асосида углеводород хом ашёсини қазиб олиш учун хусусий инвесторлар жалб этиладиган Нефть ва газ конлари рўйхатини тасдиқласин;

б) уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида энергия самарадорлигини ошириш дастурини қабул қилсин:

қуёш панеллари ва сув иситкичлар, шунингдек, истеъмолчилар учун энергия самарадор қозонлар ўрнатишни, шу жумладан уларни харид қилиш харажатларини қисман субсидиялаш йўли билан рағбатлантириш;

бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергия тежаш жамғармасини шакллантириш манбаларини кенгайтириш;

ностандарт газ горелка жиҳозларини замонавий ва энергия самарадор газ горелка жиҳозлари билан алмаштириш;

иқтисодиётнинг энг кўп энергия сарфловчи соҳаларида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлиги дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида мажбурий равишда энергоаудит ўтказиш.

19. Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, ёқилғи-энергетика корхоналари томонидан ишлаб чиқилган 2019 — 2021 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғи эҳтиёжлари учун ўзлаштиришга тавсия этиладиган тайёр маҳсулотлар, ускуналар, бутловчи маҳсулотлар, эҳтиёт қисм ва материаллар турлари, шунингдек, уларни таъмирлаш ва модернизация-

лаш бўйича ишлар ва хизматларнинг рўйхати 6-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, ушбу рўйхатга киритилган лойиҳаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4302-сон қарорида кўзда тутилган амалга ошириш механизмлари ва қўллаб-қувватлаш чоралари татбиқ этилади.

20. Белгилансинки, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунидаги мониторинг, назорат, шаффофлик, самарадорлик ва натижадорлик тахлилини таъминлаш борасидаги талаблар стратегик аҳамиятга эга бўлган, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланган хўжалик жамиятлари ва корхоналар томонидан амалга ошириладиган давлат харидларининг барча турларига нисбатан татбиқ этилади;

давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар реестрига қўйилган талабларга мувофиқ, давлат буюртмачисига ўзининг ёки юқори турувчи органнинг расмий веб-сайтида давлат харидларининг тўлиқ тавсифини келтирган ҳолда, уларнинг натижаларини эълон қилиш мажбурияти ҳам юкланади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси доимий равишда давлат харидлари самарадорлиги ва натижадорлигининг масофавий тахлилини, зарур ҳолларда жойларга чиқиб олиб боради ҳамда махсус давлат харидлари ахборот портали ва ўз расмий веб-сайтларида таҳлил хулосаларини жойлаштиради;

етказиб берувчиларнинг иштирок этишига имкон бериш мақсадида, шу жумладан импорт товарлар, ишлар ва хизматларни энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тўғридан-тўғри шартномалар билан харид қилиш учун контрактлар тузиш аввалдан давлат харидлари махсус ахборот порталида тегишли маълумотлар жойлаштирилган ва кейин саралаш натижалари акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда барча давлат буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш бўйича талабларни кучайтиришни, назорат қилишнинг аниқ механизмларини ва унда жамоатчиликнинг фаол иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирларини, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамда Жаҳон банкнинг коррупцияга қарши курашиш ва ҳар йилги «Бизнес юритиш» ҳисоботи борасидаги тавсияларини жорий этишни назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Давлат геология

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

ва минерал ресурслар қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қўйидагиларни:

2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги ва «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларининг, шу жумладан хорижий инвесторларга ер ости бойликлари майдонларини тақдим этиш бўйича танлов(аукцион) савдоларини ўтказишнинг шаффоф механизмларини, маҳсулот тақсимотига оид битимлар тузишнинг шартларини, хусусан, қазиб олинган углеводород хом ашёсининг Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган қисмини ички бозорга етказиб бериш бўйича талабни кўзда тутувчи янги тахрирдаги лойиҳаларини;

икки ой муддатда халқаро мутахассис ва экспертларни жалб этган ҳолда, тақсимланмайдиган таваккалчиликларга эга шартномалар асосида углеводород хом ашёсини қазиб олишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Нефть-газ тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3107-сон қарорининг 1 — 4, 7 ва 8-бандлари ҳамда 1 — 16 иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 июль,
ПҚ-4388-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 9 июлдаги
ПҚ-4388-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 октябрдаги «Денгизқўл газ-конденсат конининг (ГКК) Хўжасаят участкаси, Хўжадавлат ГКК ва Шарқий Олот ГККни ўзлаштириш» инвестиция лойиҳасининг техник-иктисодий асосини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-2633-сон қарорининг рус тилидаги матни 4-бандининг учинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

таможенных платежей (за исключением сборов за таможенное оформление) ввозимые оборудование, материалы, запасные части, комплектующие изделия, инструменты и механизмы, программное обеспечение, не производимые в республике, а также горюче-смазочные материалы, по перечням, формируемым в установленном порядке;

периодических таможенных платежей (за исключением сборов за таможенное оформление) ввозимые строительную и специальную технику, оборудование, комплектующие изделия, специальные транспортные средства, сборные строительные конструкции в таможенном режиме «временный ввоз», по перечням, формируемым в установленном порядке.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 январдаги «2017 йилда республикамізда нефть, нефть маҳсулотлари, табиий газ ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш тўғрисида»ги ПҚ-2745-сон қарори 8-бандида:

а) биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган» сўзлари «Белгиланган тартибда шакллантириладиган» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) тўртинчи хатбошидаги «2019 йилнинг 1 январига» сўзлари «2020 йилнинг 1 июлига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги «Ўзбекистон Мустақиллиги» инвестиция блокада геологик қидирув ишлари ва «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида қўшимча қидирув ва ўрганиш ишларини олиб борган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш тўғрисида»ги ПҚ-2948-сон қарори қўйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Битимни амалга оширилишини жадаллаштириш мақсадида «Surhan Gas Chemical Operating Company» МЧЖ ХКга:

2020 йилнинг 1 январига қадар лойиҳа ва пудратчи ташкилотлари би-

лан, тўғридан-тўғри муҳокамалар асосида, ишларни амалга ошириш бўйича битимларни тендер ўтказмасдан тузишга;

2022 йилнинг 1 январига қадар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда қурилиш-монтаж ишларини ҳам амалга оширишга;

лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқлангунига қадар лойиҳа доирасидаги ишларни олдиндан молиялаштиришга истисно тариқасида руҳсат берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги «Тошкент шаҳрида кўп тармоқли муз комплексини қуришни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2964-сон қарорининг 1 ва 5-бандларидаги «2018» рақамлари «2019» рақамлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4067-сон қарори рус тилидаги 12-иловасининг 20-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июндаги «Нефть-газ тармоғида лицензиялаш тартиботларини қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнесни юритишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 444-сон қарори 1-иловасининг 11-банди «г» кичик банди «техника воситалари» сўзларидан кейин «шу жумладан замонавий ўлчов асбобларини Табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига улаш орқали» сўзлари билан тўлдирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 декабрдаги «Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1008-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Энергетик қурилмаларни совутиш учун ишлатиладиган техник сув ўз манбасига қайтарилиши ҳамда табиий оқим ва гидроэлектростанциялар каналларидаги сув ишлатилишини инобатга олган ҳолда «Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси, «Тошкент иссиқлик электр маркази» унитар корхонаси ҳамда «Янги-Ангрен иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамияти томонидан техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланмайди»;

б) 2-илованинг 5 — 7-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**506 Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини содаллаштириш ва солиқ хисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг амалиётга жорий этилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юки камайтирилди, айланма маблағлардан олинadиган солиқлар оптималлаштирилди, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини камайтириш орқали солиқ тизими қайта кўриб чиқилди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликни тан олиб, давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўласа, тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар мазкур ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтадиган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органларида ушбу солиқнинг тўловчиси сифатида мажбурий ҳисобга олинади ва бу қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишнинг шарти ҳисобланади;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтишда ушбу солиқ суммаси қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтилган санадан аввалги охириги 12 ойда харид қилинган товар-моддий захираларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос келадиган улушда ҳисобга олинади;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш ёки ягона солиқ тўловини тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарнома қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиладиган ой бошланишидан олдин ўн иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

3. Қўйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 июлда эълон қилинган.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Давлат солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси:

а) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларни киритсин:

чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтишда харид қилинган товарлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш («tax free») тартибини белгилаш;

солиқлар бўйича тўловларни кейинчалик бўлиб-бўлиб фоизи билан қайтариш орқали камайтиришни назарда тутувчи «инвестициявий солиқ кредитлари» институтини жорий этиш;

солиқ тўловчи — юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор унга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб, қўлланилган молиявий жарималар миқдорининг 50 фоизини ўн кун давомида ихтиёрий равишда тўлаганда, уни жарима суммасининг қолган қисмини тўлашдан озод этиш бўйича молиявий жарималарни ундиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш мақсадида ялпи тушумнинг чегаравий миқдорини сунъий пасайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга (бўлиниш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва бошқалар) чек қўйиш чораларини кўриш, мазкур ҳолатлар аниқланганда тўланиши лозим бўлган солиқлар суммасига давлат солиқ хизмати органлари томонидан тузатиш киритиш ва уларни суд тартибида ундириш механизмларини жорий этиш;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида реал вақт режимида маълумотлар алмашиш имконини берадиган, солиқ ҳисоботини топшириш тизими билан интеграция қилинган бухгалтерия ҳисобининг ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими) ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ахборот технология-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда «UzTrans» ягона интерактив ахборот тизими базасида қўйидагиларни таъминлайдиган «Юк ташишлар мониторинги» ахборот платформасини (кейинги ўринларда — Ахборот платформаси) ишлаб чиқишни таъминласин:

юк ташувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини (счёт-фактура (инвойс), юк хати ва бошқа ҳужжатларни) рўйхатдан ўтказиш;

юк жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олувчилар томонидан реал вақт режимида товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Ягона ахборот тизимидан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти ушбу дастурий маҳсулотни қўллаган даврида текширилмайди;

юк ташувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини Ахборот платформасида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой муддатда:

хўжалик юритувчи субъектларни давлат солиқ хизмати органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқсин;

онлайн назорат-касса машиналари чеклари билан тасдиқланган харажатлар бўйича жисмоний шахсларга даромад, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича чегирмалар бериш ёки чекларда кўрсатилган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариб бериш тартибини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) 2020 йил 1 январдан бошлаб:

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги (KPI) кўрсаткичларидан келиб чиқиб, уларни моддий рағбатлантириш, хизматда лавозимини ошириш, мукофотлаш, интизомий чоралар қўллаш тизимини жорий этсин;

Савдо-саноат палатаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан биргаликда инсофли тадбиркорларни рағбатлантириш ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш мақсадида «Чекни талаб қил ва совға ютиб ол» оммавий акциялари ўтказилишини ташкил этсин;

в) Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан бирга-

ликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин ҳамда Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доира ва хорижий экспертлар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этган ҳолда жойларда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини ташкил этсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 июль,
ПҚ-4389-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 10 июлдаги
ПҚ-4389-сон қарорига
1-ИЛОВА

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш
СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

Солиқ тизими иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига эришишда муҳим механизм сифатида намоён бўлади.

2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини содаллаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳитни шакллантириш вазифаларини амалга оширишни давом эттириш имконини берди.

Шу билан бирга, солиқ тизимида ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, солиқ ислохотларини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қуйидаги камчилик ва муаммолар мавжуд:

биринчидан, солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш принциплари эскирган бўлиб, солиқ тўловчиларга комплекс хизматлар кўрсатишни, шунингдек улар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий бажарилишини таъминламаяпти;

иккинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда маъмурий харажатлар (сарфланадиган вақт ва маблағ) даражаси юқори бўлиб қолмоқда;

учинчидан, солиқ соҳасида имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизмлар мавжуд эмас;

тўртинчидан, хуфиёна иқтисодиёт даражасини қисқартиришга қаратилган, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш жараёнларини рағбатлантирувчи жамоатчилик назорати механизмлари мукамал эмас;

бешинчидан, солиқ тўловчи билан солиқ органлари ўртасида маълумот алмашинувини таъминловчи ягона стандарт ва дастурий маҳсулотлар мавжуд эмас;

олтинчидан, солиқ ҳисоби сифатини пасайтирадиган, солиқ базасининг кенгайиши ва барқарор солиқ тушумларини таъминлашга тўсқинлик қиладиган идоралараро ахборот ҳамкорлиги суст йўлга қўйилган;

еттинчидан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳамда солиқ органлари ходимлари фаолиятини баҳолашда тизимли камчиликлар мавжуд.

Ушбу камчилик ва муаммолар солиқ тизимини жадал ривожлантириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловларнинг талаб даражасида йиғилишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги мақсад, вазифа ва асосий йўналишларни назарда тутувчи Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2-боб. Стратегиянинг мақсад ва вазифалари

1. Стратегиянинг асосий мақсади иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, солиқ солиш жараёнларини автоматлаштирган ҳолда, давлат солиқ органларида замонавий йўналтирилган сервис солиқ хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Стратегиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлаш; солиқ органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш ва солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологияларни жорий этиш орқали кўрсатилаётган солиқ хизматлари сифатини яхшилаш;

барча тоифадаги солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажариш асосида уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ишончли муносабатларни яратиш;

солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш, барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қулай шароитларни таъминлайдиган транспарент ва барқарор солиқ тизимини шакллантириш;

солиқ тўловчилар фаолиятига аралашишни, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида «инсон омили»ни ҳамда коррупция ҳолатларининг салбий кўринишларини камайтириш имконини берадиган таваккал-тахлил

ва масофавий таҳлилий ишлар тизими асосида солиқ назорати тизимини шакллантириш.

Белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бизнес фаоллигини ошириш ва солиқ мажбуриятини бажариш бўйича маъмурий харажатларни камайтириш имконини беради ва бу, ўз навбатида, Жаҳон банкининг бизнес юритиш рейтингда республика позицияларига ижобий таъсир кўрсатади.

3-боб. Стратегиянинг асосий йўналишлари

3.1. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодийда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш

1. Солиқ ва солиқ режимларини бирхиллаштириш, шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш.

2. Солиқ юкни (камайтириш ва бараварлаштириш) оптималлаштириш.

3. Солиқ имтиёзларининг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида уларни тақдим этишнинг аниқ мезон ва механизмларини белгилаш.

4. Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби ўртасида фарқни имкон қадар камайтириш.

5. Жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда родини кучайтириш ва ҳиссасини ошириш.

6. Хорижий давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, таваккалчиликларни баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва иқтисодий фаолият соҳасида хуфиёна айланма ҳамда назорат қилинмайдиган даромадлар кўламини қисқартириш.

7. Солиқ қонунчилиги соҳасидан ташқарида фаолиятни амалга оширадиган шахсларни норасмий сектордан чиқишига (қонунийлашишига) кўмаклашиш.

8. Трансферт нархни белгилаш соҳасида солиқ маъмуриятчилигининг янги услубларини жорий этиш.

9. 2021 йилга келиб жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўловчиларни 1,5 баравар, қўшилган қиймат солиғини тўловчиларни 2 баравар ҳамда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи тўловчиларни 2 баравар кўпайтириш.

3.2. Хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш

1. Солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажариши учун уларга қулай шарт-шароитларни яратиб бериш.

2. Бирламчи ҳисоб ҳужжатларини рақамлаштириш ва бирхиллаштириш ҳамда солиқ ҳисоботлари шаклларини соддалаштириш.

3. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг экстерриториал принципини ривожлантириш.

4. Солиқ хизматлари сифатини ва солиқ органлари фаолиятини

жамоатчилик томонидан мустақил баҳолаш (тескари алоқа) механизмини яратиш.

5. Солиқ органлари фаолиятининг шаффофлиги ва солиқ солиш соҳасидаги маълумотларнинг очиқлиги.

6. Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тизимини ривожлантириш.

7. Корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлигини ва уларни тугатишни ҳал этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш (харажатлар, вақт ва қоидалар аудити).

8. Солиқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш.

9. Солиқ тўловчиларга маслаҳат кўрсатиш хизматларини кўрсатиш фаолиятини марказлаштириш ва стандартлаш.

3.3. Солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш

1. Назорат фаолиятини амалга оширишда таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг замонавий тизимини жорий этиш.

2. Солиқ назоратининг шаффофлигини таъминлаш, коррупция омилларини камайтириш.

3. Ҳудудларнинг солиқ имкониятларини баҳолаш усулларини жорий қилиш ва бюджет даромадларини прогнозлаштириш.

4. Умумий овқатланиш ва савдо соҳасида, шунингдек, кўчмас мулк бўйича солиқ солинадиган объектларни тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш.

5. Солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини 90 фоизгача етказиш.

3.4. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш

1. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва маслаҳатлар беришга йўналтирилган солиқ органлари ташкилий тузилмасини яхшилаш.

2. Солиқ тўловчиларни сегментациялаш асосида давлат солиқ хизмати органларининг энг мақбул моделини жорий этиш.

3. Солиқ хизмати органларида замонавий бизнес-таҳлил (Business Intelligence) тизимини, шунингдек, стратегик ва процессуал бошқарувни жорий этиш.

4. Солиқ хизмати ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги кўрсаткичларидан (KPI) келиб чиққан ҳолда уларни рағбатлантириш.

5. Кадрларни тайёрлаш ва танлаш тизимини такомиллаштириш.

6. Солиқ органлари ходимлари мотивациясини мустаҳкамлаш.

7. Солиқ маъмуриятчилиги жараёнини автоматлаштириш.

3.5. Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантириш

1. Кадрлар сиёсатида коррупцияга қарши компонентларни кучайтириш.

2. Солиқ соҳасида коррупция хавфларини назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш тизимини жорий этиш.

3. Коррупцияга қарши қонунчилик талаблари асосида норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш).

4. Солиқ органларида шаффофлик (ошкорлик) ва ҳисобдорликни кенгайтириш, коррупция кўринишларига жамоатчиликда мурасасизлик ҳиссини шакллантириш.

4-боб. Кутилаётган натижалар

1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар суръати ўсишига эришилади.

2. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги позициялари, шунингдек, ишбилармонлик фаоллигининг индекс кўрсаткичлари яхшиланади.

3. Солиқларнинг иқтисодий тармоқлари ва соҳалари бўйича ялпи ички маҳсулот, даромад, қўшилган қийматга нисбатан улуши ўзгаради.

4. Маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўртасидаги солиқ имтиёзлари ҳажми бўйича тафовути қисқариши таъминланади.

5. Солиқ тўловчиларнинг маълумотлардан фойдаланишда ҳамда кўрсатилаётган сервис хизматларидан қаноат ҳосил қилиш даражаси ошади.

6. Низоларни судга қадар ҳал этиш кўлами кенгаяди.

7. Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликлар сони камайишига эришилади.

8. Солиқ тўловчиларнинг ҳақиқатдаги ва тақдим этилган кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар камаяди.

9. Солиқ текширувлари сони қисқаради.

10. Назорат тадбирлари натижасида қўшимча ҳисобланган солиқлар миқдори пасаяди.

11. Солиқларнинг ундирилиш даражаси ошади.

12. Солиқ идоралари ўртасида ҳужжатларнинг айланиши камаяди, ижро интизоми ошади, кадрларнинг қўнимсизлиги бартараф этилади ва кадрлар билан таъминланганлик даражаси яхшиланади.

13. Солиқ органлари ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳоллари бартараф этилади.

14. Солиқ хизматларини стандартлаштириш ва тартибга солиш даражаси ортади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**507 «O‘zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини чуқур ўрганиш, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштириш, ёш авлодни миллий қадриятлар ва аждодларимизнинг бебаҳо мероси асосида тарбиялаш, жамиятда ватанпарварлик ва ўз халқи билан ғурурланиш туйғусини шакллантириш асосида миллий ўзлиқни англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ватандошларимиз дунёқарашини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (кейинги ўринларда — Ўзбекистон МТРК), Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг 2019 йил 1 сентябрдан «O‘zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш тўғрисида республиканинг кенг жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланган таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «O‘zbekiston tarixi» телеканали фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

минг йиллар қаърига илдиз отган Ўзбекистоннинг кўҳна ва бой тарихи, халқимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ғоят катта илмий, маданий ва маънавий ҳиссаси ҳақида мамлакатимиз аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини кенг кўламда хабардор қилиш;

хар бир воқеанинг мазмун-моҳиятини изчил ва тизимли очиб бериш орқали буюк тарихимизнинг барча даврларини чуқур илмий тадқиқотларнинг ҳолисона натижалари асосида кўрсатиб берувчи ахборот-таҳлилий ва мавзули телекўрсатувлар, ток-шоу, «давра суҳбатлари»ни юқори профессионал ва ғоявий-бадий савияда тайёрлашни ташкиллаштириш;

буюк ватандошларимиз — олимлар, мутафаккирлар ва азиз-авлиёлар, шоир ва ёзувчилар, саркардалар, давлат арбобларининг бебаҳо меросини кенг кўламда ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида уларнинг ҳаёт йўли ва қахрамонлиги тўғрисида, шунингдек, дунё аҳамиятига эга бўлган Ўзбекистон энг янги тарихининг ғоят ёрқин ва унутилмас саҳифалари ҳақида ҳикоя қилувчи илмий-оммабоп дастурлар ва ҳужжатли фильмлар туркумларини яратиш;

доимий ишлаб турувчи телевизион студия — «мунозара майдончаси» фаолиятини таъминлаш, Ўзбекистон тарихи бўйича илмий тадқиқотлар натижаларини, маданий ва кўҳна ёдгорликларни сақлаш билан боғлиқ муаммоларни, шунингдек, халқимиз тарихига тааллуқли ва умуммиллий аҳамиятга эга бўлган бошқа ғоят муҳим масалаларни очиқ муҳокама қилиш учун олимлар, тарихчилар, тадқиқотчилар, ўқувчи ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини таклиф қилиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 июлда эълон қилинган.

чет элларга ижодий сафарлар давомида халқимизнинг моддий ва номоддий мероси, Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ бўлган нодир қўлёзмалар, китобларни излаш, амалий санъат буюмлари ҳамда музейлар коллекцияларида, хорижий давлатларнинг илмий марказларида, шунингдек, жаҳон тарихий меросини ўрганаётган жамғармаларда сақланаётган қимматли топилмаларни ўрганиш натижалари бўйича махсус телекўрсатувлар тайёрлаш;

хорижий телеканаллар, илмий-тадқиқот марказлари ва жамғармалар томонидан тайёрланган, жаҳон тарихининг аҳамиятли лавҳаларини акс эттирувчи, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида минг йиллар давомида содир бўлган тарихий жараёнлар билан боғлиқ бўлган воқеалар ва шахслар тўғрисида ҳикоя қилувчи кўрсатувларни сотиб олиш, ўзбек тилига таржима қилишни ташкиллаштириш ва миллий телерадиоканаллар эфирларида жойлаштиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган воқеалар ва шахсларга бағишланган маҳаллий ва хорижий бадиий фильмларни мунтазам намойиш қилиш, шунингдек, ушбу мавзу бўйича мамлакатимиз кино санъати усталари билан бадиий фильмлар ва телесериаллар яратишда иштирок этиш.

3. Ўзбекистон МТРК таркибига кирувчи ташкилотлар ходимлари сонини оптималлаштириш ҳисобига шакллантириладиган, ходимларининг чекланган умумий сони 116 нафардан иборат бўлган, «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси қошидаги «O'zbekiston tarixi» телеканалининг тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, «O'zbekiston tarixi» телеканалли:

Ўзбекистон МТРКнинг «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси қошидаги «UzHD» телеканалли негизида юридик шахс ташкил этмасдан HD форматида ташкил этилади;

республиканинг бутун ҳудуди бўйлаб тарқатиладиган рақамли кўрсатувнинг ҳаммабоп ижтимоий пакети таркибига киритилади;

эфирни сифатли ҳужжатли ва бадиий фильмлар билан, шу жумладан тайёр телемахсулотга буюртма бериш шартлари асосида тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, шунингдек, бошқа кино- ва видео суратга олиш студиялари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси доимий асосда «O'zbekiston tarixi» телеканаллига эфирга узатиш учун материаллар тайёрлашда, жумладан уларнинг ишончлилиги ҳамда тарихий воқеа ва фактларга мос келиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилишида амалий ёрдам кўрсатсин, шунингдек, олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларини телеканал орқали ёритиш учун тақдим этиб борсин.

6. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон МТРК икки ой муд-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

датда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан тасвирга олинадиган тарихий шахслар тўғрисида, миллий кадрятлар, анъаналар, Ўзбекистоннинг қарор топиши ва давлат сифатида ривожланишининг тарихий босқичларини акс эттирувчи бадиий, бадиий-публицистик, хужжатли фильмлар, сериалларни ҳамда анимацион фильмларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш форматларини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон МТРК бир ой муддатда:

«O‘zbekiston tarixi» телеканалининг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлашни;

«O‘zbekiston tarixi» телеканали ҳар томонлама тайёрланган, шу жумладан Ватанимиз ҳамда жаҳон цивилизациясининг қадимий ва бой тарихини юқори профессионал даражада биладиган малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

8. «O‘zbekiston tarixi» телеканали Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 2-уй манзили бўйича Ўзбекистон МТРК биносида жойлаштирилсин ва доимий ишлайдиган «мунозара майдончаси»ни ташкил этиш учун студиялардан бири телеканалга бириктириб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йилда янги ташкил этилаётган «O‘zbekiston tarixi» телеканали таъминотига, шу жумладан жаҳондаги ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини намойиш этишнинг лицензия ҳуқуқларини сотиб олишга, шунингдек, республика ҳудуди бўйлаб теледастурларни тарқатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкилотларига ҳақ тўлашни киритган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг жорий йилги параметрлари доирасида маблағ излаб топсин ва Ўзбекистон МТРКга ажратсин, 2020 йилдан бошлаб ҳар йилги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида зарур молиялаштиришни назарда тутсин;

Ўзбекистон МТРКнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича «O‘zbekiston tarixi» телеканали студияларини жиҳозлаш ва декорациялар тайёрлаш учун зарур бўлган 1,5 миллиард сўмгача миқдордаги маблағни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан ажратиб берилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон МТРК раисига:

сифатли контентни шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш ва самарали ижодий жараённи йўлга қўйиш мақсадида «O‘zbekiston tarixi» телеканалининг Эксперт (маслаҳат) кенгашини шакллантириш ва унинг таркибини тасдиқлаш;

юқори малакали хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш ва ишга қабул қилиш ҳамда ажратилган бюджет маблағлари доирасида уларга хорижий валютада иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

11. Ўзбекистон МТРК:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой

муддатда янги ташкил этилаётган «O‘zbekiston tarixi» телеканалини замонавий телевизион ускуналар комплекси билан жиҳозлаш;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 июль,
ПҚ-4390-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

508 Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш;

идоравий мансублигидан қатъи назар барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқув-педаго-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 июлда эълон қилинган.

гик ва илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасини давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мослигини таъминлаш;

таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётга мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш;

иктисодиёт тармоқлари, фан ва ижтимоий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарда талабалар амалиётини ташкил этиш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

таълим муассасаларини зиммасига юкланган вазифаларни юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тизимли рағбатлантириш чораларини кўриш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини мунтазам ошириб бориши учун шароитлар яратиш, хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, илмий адабиётлар электрон каталоги ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ҳамкорликдаги қўшма олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим дастурларини амалга ошириш, соҳада эришилган ютуқларни халқаро миқёсда кенг ёритиш;

иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифлари, илғор хорижий тажриба, иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқишини ташкил этиш;

ўқув ва илмий лаборатория базаларини модернизация қилиш, замона-

вий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, спорт-соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда — Марказ) тугатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти негизида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Метрологик назорат хизмати негизида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўқув устахоналари, техник регламентлар ва метрологик назорат хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари негизида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълими ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) марказий аппарати тузилмасига олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ёшлар, маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари лавозими киритилсин.

5. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 119 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълими ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари, шунингдек идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар тузилмасига белгиланган штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ташкилотлари, шунингдек халқаро ва хорижий компаниялар юқори малакали мутахассис ва экспертларини консультант сифатида ишга жалб этиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа тўловлари миқдорларини шартнома асосида мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) олий таълим муассасаларининг тузилмалари тегишли олий таълим муассасалари ректорлари (маҳаллий олий таълим муассасалари филиаллари директорлари) томонидан олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

б) давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган олий таълим муассасасининг ректори (хорижий олий таълим муассасаси филиалининг маҳаллий ректори ёки директорлари, ижрочи директорлари) бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбарининг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

в) давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган олий таълим муассасасининг проректорлари (маҳаллий олий таълим муассасасининг филиали директорлари, унинг ўринбосарлари, хорижий олий таълим муассасаси директорлари ўринбосарлари) олий таълим муассасаси ректорининг тавсиясига асосан бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, бунда:

ўқув ишлари бўйича проректор (филиал директорлари ўринбосари) лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

ёшлар билан ишлаш бўйича проректор (филиал директорлари ўринбосари) лавозимига номзод Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши;

илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (филиал директорлари ўринбосари) лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилади;

г) олий таълим муассасалари:

ҳузуридаги илмий-тадқиқот муассасалари, малака ошириш ва қайта

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тайёрлаш муассасалари раҳбарлари, академик лицейлар директорлари, бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасасининг ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

факультет деканлари олий таълим муассасасининг ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

д) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек Вазирликка идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

е) касб-ҳунар таълими муассасалари:

директорлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

директорининг ўринбосарлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда касб-ҳунар таълими муассасалари директор томонидан, шунингдек академик лицей директори ўринбосарлари олий таълим муассасаси ректори билан келишилган ҳолда академик лицей директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

8. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2020 йилдан бошлаб таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилиги ва молиявий барқарорлигини инобатга олиб, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тартибини 2019 йил 1 сентябрга қадар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида ходимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини мустақил белгилаш;

б) иқтидорли, шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

в) сақлаш харажатлари, вазифа ва мажбуриятларни бажариш, ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий этиш ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория

материалларини (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар), шу жумладан китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари харид қилиш ва чоп эттириш учун маблағларни мустақил сарфлаш;

г) олий таълим муассасаси инфратузилмасига сервис хизматлари кўрсатишнинг алоҳида турлари, жумладан бино ва иншоотлар, талабалар турар жойлари, спорт объектларидан фойдаланиш, уларни тозалаш, таъмирлаш, компьютер техникаси ва телекоммуникация тармоқларини сақлаш ва юридик хизматлар кўрсатишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

д) бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда:

олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳияти, унинг моддий-техник базаси имкониятларини инобатга олиб, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш, янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш;

олий таълим муассасасини ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш миқдоридан келиб чиқиб, тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Вазирлик ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар бир олий таълим муассасасининг йўналиши ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг жиҳозланиши алоҳида ёндашувни талаб этаётганлигини инобатга олиб, Инвестиция дастурлари доирасида ўқув-лаборатория ускуналари, ахборот-коммуникация воситалари ва бошқа техникалар билан жиҳозлаш учун ажратиладиган маблағларни тўғридан-тўғри олий таълим муассасаларига молиялаштириш орқали улар томонидан ўрнатилган тартибда харидлар амалга оширилишини таъминласин.

11. Белгилансинки:

а) тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар учун контракт тўловларини амалга ошириш муддатлари олий таълим муассасаси ректори (маҳаллий олий таълим муассасасининг филиали директори) томонидан узайтирилади;

б) маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро келишуви доирасида амалга ошириладиган қўшма таълим дастурлари, жумладан қўшма факультетларда:

талабаларни қабул қилиш тартиби, тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати ҳамда маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари билан келишув асосида;

ўқишга қабул қилиш параметрлари, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тасдиқлаш ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари, бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади;

в) талаба-ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини кенг оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасалари спорт клублари-

ни сақлаш, спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. 2022 йил 1 январга қадар:

олий таълим муассасалари томонидан ўрнатилган тартибда шакллантирилладиган рўйхат бўйича ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар доирасида олий таълим муассасалари ва улар ҳузуридаги илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасалари билан ўзаро келишув бўйича қўшма дастурлар (факультетлар ва академик дастурлар) ҳамда филиаллар (марказлар) шаклида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйган чет эл олий таълим муассасалари уларнинг Ўзбекистон Республикасида амалга ошираётган олий таълим фаолияти доирасида олинган даромадлари бўйича барча турдаги солиқлар, шунингдек чет эллик ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ижтимоий тўлов тўлашдан озод этилсин.

13. Вазирлик:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 июль,
ПҚ-4391-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

509 Кристо-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони га мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 21 январдаги 16-сон буйруғи (рўйхат рақами 3127, 2019 йил 22 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2019 й., 10/19/3127/2525-сон) билан тасдиқланган Кристо-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 8-бандининг «а» кичик бандидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг» сўзларига алмаштирилсин.

2. Ушбу буйруқ 2019 йил 1 сентябрдан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 июнь,
111-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

510 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3930-сон «Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 7 январдаги 3-сон буйруғи (рўйхат рақами 3128, 2019 йил 23 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2019 й., 10/19/3128/2527-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 июль,
118-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлиги директорининг 2019 йил
1 июлдаги 118-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон
Беруний номидаги бизнес ва бошқарув республика олий
мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил
этиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

«тўлов контракт асосида,» деган сўзлардан кейин «ўзбек, рус ва инглиз таълим тилларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим кундузги шаклда амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим сиртки, кечки шаклларда, шу жумладан масофавий ўқитишни қўллаш билан амалга оширилиши мумкин.»

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Олий мактаб магистратураси дастурлари бўйича ўқитиш етакчи ихтисослашган хорижий таълим муассасалари билан тузилган халқаро келишувларда назарда тутилган ўқув режалар, дастурлар ва жадваллар асосида «икки диплом» (double degree) модели бўйича амалга оширилиши мумкин.

Номзодларни «икки диплом» (double degree) модели бўйича Олий мактаб магистратурасига ўқишга қабул қилиш халқаро келишувларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

«Икки диплом» (double degree) модели бўйича ўқишни битиргандан сўнг хорижий таълим муассасасининг дипломи ва тегишли мутахассислик бўйича давлат намунасидаги магистр даражаси дипломи берилади.»

3. 3-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Олий мактаб магистратурасида мутахассисларни тайёрлашни ишлаб чиқариш (амалий) (камида бир йил) ва илмий-педагогик (камида икки йил) йўналишлари бўйича ихтисослашган дастурлар асосида амалга оширади.»

4. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Олий мактаб магистратурасига ўқишга қабул қилиш учун кириш имтиҳонлари ёзма имтиҳон ва тест синовлари шаклида (бундан буён матнда кириш имтиҳонлари деб юритилади) амалга оширилади.

Олий мактаб магистратурасига ўқишга қабул қилиш учун кириш имтиҳонлари магистратурада ўқийдиган тилда ўтказилади ва бу ҳақда магистратурага кириш тўғрисидаги аризада кўрсатилиши лозим.

Кириш имтиҳонлари магистратура мутахассисликлари ва ўқитиш тилларига кўра алоҳида ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари учун максимал балл 100 баллни ташкил этади, ушбу баллар қуйидагилардан ташкил топади:

мутахассислик фанлари бўйича — 0 баллдан 75 баллгача;

инглиз тили фани бўйича — 0 баллдан 25 баллгача.

Номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, шунингдек, кириш имтиҳонлари ўқиш йилида икки марта (ёзги ва қишки қабул даврларида) амалга оширилади.».

5. 7-бандда «ўқишга қабул қилишнинг йиллик квотаси» деган сўзлардан кейин «, шунингдек кириш имтиҳонлари фанлари, дастурлари, натижаларни баҳолаш мезонлари рўйхати» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Олий мактаб магистратурасига олий маълумотга, шу жумладан хорижий мамлакатларда олинган олий маълумотга (дипломли мутахассис, бакалавр) эга бўлган фуқаролар қабул қилинади. Бунда хорижий мамлакатларда олинган дипломлар тегишли тартибда нострификацияланган бўлиши лозим.

Инглиз тилини B2 ва ундан юқори даражада билишини тасдиқловчи амалдаги миллий малака сертификати ёки CEFR (Common European Framework of Reference) бўйича B2, IELTS (International English Language Testing System) бўйича 5,5 балл, TOEFL (Test of English as a Foreign Language) бўйича 72 баллдан кам бўлмаган даражада инглиз тилини билишини тасдиқловчи халқаро сертификатларга эга бўлган, шунингдек, олий таълим муассасаларини инглиз таълим тилида битирган номзодлар инглиз тили бўйича имтиҳон топширишдан озод қилинади. Уларга мазкур фандан белгиланган максимал балл берилади.».

7. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Олий мактаб магистратурасига кириш истагини билдирган номзодлар Олий мактабнинг расмий веб-сайти (бундан буён матнда веб-сайт деб юритилади) орқали Олий мактабнинг директори номига қуйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилишади:

олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

4 x 6 ўлчамдаги рангли фотосурат;

паспорт (имтиҳон вақтида асл нусхаси тақдим этилади);

инглиз тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат (агар мавжуд бўлса).

Олий мактаб магистратурасига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган номзодлар юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг аслини ёки уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини Олий мактабга тақдим этади.».

8. 13 ва 14-бандлардаги «тест синовларида» деган сўзлар «кириш имтиҳонларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби Комиссия томонидан белгиланади.

Кириш имтиҳонларининг саволлари Комиссия томонидан тузилади.

Кириш имтиҳонлари натижалари бўйича Комиссия томонидан баённома расмийлаштирилади.

Номзодларнинг кириш имтиҳонларидан қайта ўтказилишига йўл қўйилмайди.».

10. 16 ва 33-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. 25-банддаги «имтиҳон натижалари» ва «уч кун» деган сўзлар тегишлича «кириш имтиҳонлари натижалари» ва «уч иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 26-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Апелляция комиссиясининг таркиби ва унинг иш регламенти Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Апелляция комиссиясининг таркиби қабул комиссияси фаолиятида иштирок этмаган шахслар орасидан шакллантирилади.

Апелляция комиссияси апелляция шикоятини уч иш куни ичида кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида номзодга шу куннинг ўзида ёзма равишда хабар беради.».

13. 30-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«имтиҳонларни муваффақиятли топширган тақдирда, белгиланган намунадаги сертификат (гувоҳнома) бериладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини, шунингдек бошқа шахсларни лойиҳа бошқаруви йўналиши бўйича, шунингдек суд бошқарувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;».

14. 31-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тингловчиларни ўқув курсларида ўқитиш тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.».

15. 32-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ўқув курсларининг қиймати Агентлик билан келишилган ҳолда Олий мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Ўқув курсларини ўтказиш санаси, давомийлиги, таълим шакли, шартнома шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тўловларни амалга ошириш тартиби ва ўқув курслари бўйича бошқа маълумотлар Олий мактаб директори томонидан тасдиқланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

511 «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 2009-43, 38-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2033, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 491-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 июнь,
2019-39-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 июнь,
20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурату-
раси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга
қарши курашиш департаментининг 2019 йил
26 июндаги 2019-39 ва 20-сон қарорига
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал
иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички
назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи ва 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номи ва муқаддимадаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

ўнинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;»;

ўн учинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги тахирда баён этилсин:

«**Агентлик** — Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги;»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«**пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш** — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишини олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевоқиф ёки билвоқиф мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув функцияларни бажарадиган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берилган шахслар;

оффшор ҳудуд — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар.»;

в) 2, 28¹ ва 29-бандлардаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 4-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«профессионал иштирокчилар фаолиятида жиноий фаолиятидан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатлар билан қайд этиш ва камайтириш»;»;

учинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 5-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини ўрганиш бўйича имкон қадар чоралар кўриш»;»;

бешинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида тўхтатиб турилган куннинг ўзида махсус ваколатли давлат органини хабардор этиш»;»;

еттинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши «фаолиятини молиялаштириш» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн иккинчи хатбоши «баҳолаш» деган сўздан кейин «, ҳужжатлар билан қайд этиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошларининг амалга ошираётган операцияларини чуқур мониторинг қилиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш.»;

е) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар

«, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 6¹-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришнинг», «ва терроризмни молиялаштиришга» ва «Марказ» деган сўзлар тегишли равишда «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг», «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» ва «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 8-банддаги «Марказ» ва «Департаментга» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик» ва «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 9-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида юборилишини, шунингдек, махсус ваколатли давлат органининг ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди.»;

бешинчи хатбошидаги «мижозларни» деган сўз «мижозлар ва уларнинг бенефициар мулкдорларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«махсус ваколатли давлат органининг ваколатли вакиллари, ташкилотнинг ички аудит хизмати ходимлари ва ташқи аудиторлар томонидан олиб борилган текширувлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мониторингни амалга оширади.»;

к) 11-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 12-банднинг учинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) қуйидаги мазмундаги 13² ва 13³-бандлар билан тўлдирилсин:

«13². Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чоратадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишни.

13³. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича мазкур Қоидаларнинг 13²-бандида кўрсатилган чораларни кўриш билан бирга, операция иштирокчиси ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга ва уларнинг яқин қариндошларига нисбатан профессионал иштирокчилар:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни манбаларини аниқлаш бўйича тегишли чораларни кўриш;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина профессионал иштирокчилар раҳбариятининг рухсати билан киришиш;

амалий иш муносабатларини мониторинг қилиб бориши лозим.»;

н) 18¹-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Департамент» ва «Марказга» деган сўзлар тегишли равишда «махсус ваколатли давлат органи» ва «Агентликка» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 18²-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг эгалиги ёки назоратидаги шахслар, Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;»;

қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари;»;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдори ушбу банднинг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган шахс бўлган ташкилотлар;»;

п) 18⁴-банднинг биринчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўтказиш бўйича профессионал иштирокчилар мижоз, мижознинг бене-

фициар мулкдори ва операция иштирокчиларининг идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан махсус ваколатли давлат органига хабар берилиши лозим, агарда:

мижоз ёки операция иштирокчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

мижоз Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

мижоз Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкда ёки назорат остида бўлса.

Операцияни тўхтатиш ва тиклаш Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қиргин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб қўйилган, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.»;

с) 21¹-банддаги, 22-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 24-банддаги ва 25-банднинг биринчи хатбошисидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

т) 23-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар профессионал иштирокчилар томонидан махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 октябрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ махсус ваколатли давлат органига берилади.»;

у) 27-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» ва «Департаментга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» ва «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ф) 27¹ ва 28-бандлардаги «Марказ» ва «Департамент» деган сўзлар «Агентлик» ва «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**512 Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича
компенсация пул тўловларининг механизми тўғри-
сидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги 102-сон буйруғи (рўйхат рақами 2175, 2010 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 531-модда) билан тасдиқланган Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 июль,
81-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 1 июлдаги
81-сон буйруғига
ИЛОВА

**Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича
компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1 ва 1¹-бандлардаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банддаги «Энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «Пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 11-банддаги «почта алоқаси ташкилоти» деган сўзлар «компенсацияни

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 июлда эълон қилинган.

етказиб бериш (топшириш) юклатилган ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 14-банддаги «бош бошқармаси» деган сўзлар «департаменти» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ
БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

513 **Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2755-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 11 январдаги 110, 01/03-26/29-сон (рўйхат рақами 2755, 2016 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 4-сон, 39-модда) қарори билан тасдиқланган Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандидаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Бериуний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 июлда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор 2019 йил 1 сентябрдан эътиборан кучга кирази.

**Лойиҳа бошқаруви миллий
агентлиги директори**

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 июнь,
116-1-сон

**Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори**

А. ХАЙДАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 июнь,
04-25/01-17-сон

Келишилган:

*Абу Райҳон Беруний номидаги
Бизнес ва бошқарув республика
олий мактаби директори*

Р. АБДУРАУПОВ

2019 йил 28 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

514 **Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифа-
сига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғриси-
даги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 июлда эълон қилинган.

тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 июндаги 2018-52-сон «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3023, 2018 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 25-сон, 504-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июль,
2019-45-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил
8 июлдаги 2019-45-сон қарорига
ИЛОВА

Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш мақсадида ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган мезонлар асосида аниқланган йирик солиқ тўловчи юридик шахслар тоифасига нисбатан татбиқ этилади.

2. Йирик солиқ тўловчилар бўйича мезонлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22²-моддасига асосан солиқ тўловчиларга солиқ солиш тартибини танлаш ёки ўзгартириш ҳуқуқини бермайди.

3. Йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги Ўзбекис-

тон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонлари

4. Қўйидагилар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилади:

- а) акциз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- б) тижорат банклари ҳамда уларнинг филиаллари, товар-хом ашё, фонд ва валюта биржалари;
- в) «Навой КМК» ДК, «Олмалик КМК» АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар;
- г) маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар;
- д) ўтган календарь йил якуни бўйича маҳсулот (товар, иш ва хизмат)-ларни сотишдан олинган соф тушуми 100,0 миллиард сўмдан юқори бўлган юридик шахслар.

5. Йирик солиқ тўловчилар тоифасини белгилашда, мазкур Низомнинг 4-банди «д» кичик бандида кўрсатиб ўтилган мезонлар, юридик шахсларнинг ўтган календарь йил якуни бўйича солиқ органларига тақдим этган солиқ ва молиявий ҳисоботларидаги кўрсаткичларига асосан аниқланади.

6. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар календарь йил якуни билан мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган мезонларга жавоб бермаса, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар навбатдаги уч йил мобайнида йирик солиқ тўловчилар тоифасида қолади.

7. Мазкур Низом талаблари татбиқ этиладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати ҳар йили кейинги солиқ даври бошлангунга қадар бир ойдан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Йирик солиқ тўловчилар рўйхатига киритилган ёки рўйхатидан чиқарилган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида ёзма равишда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилинади.

3-боб. Якуний қоидалар

8. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

9. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 8 июль

Иқтисодиёт ва саноат вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2019 йил 8 июль

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2019 йил 8 июль

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 6 июлдан 12 июлгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 19 июндаги 111-сон «Криптобиржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 1 июлдаги 118-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 26 июндаги 2019-39, 20-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033-3.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 1 июлдаги 81-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-5.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқа-

риш агентлигининг 2019 йил 28 июндаги 116-1, 04-25/01-17-сон «Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2755-2.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги 2019-45-сон «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3023, 2018 йил 18 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 12 июлдаги 293-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 30 октябрдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган
Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги
ниҳомнинг 20-бандига мувофиқ доимий фаолият кўрсатувчи
ҳакамлик судларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини
туғатиш, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик
судлари ҳамда уларнинг таркибига кирадиган ҳакамлик
судьялари тўғрисида
АХБОРОТ**

(2-чорақда) 2019 йил 15 июнь ҳолатига

Т/р	Худудий адлия органлари номи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари	Ҳакамлик судьялари
1.	Андижон	19	20
2.	Бухоро	18	27
3.	Жиззах	12	8
4.	Қорақалпоғистон Республикаси	14	13
5.	Қашқадарё	14	28
6.	Навоий	13	50
7.	Наманган	16	80
8.	Самарқанд	22	56
9.	Сурхондарё	15	21
10.	Сирдарё	5	9
11.	Тошкент шаҳар	33	322
12.	Тошкент вилоят	24	36
13.	Фарғона	18	36
14.	Хоразм	14	29
	Жами	237	735